

Ушбу сонда:

2 МАЪНАВИЯТ — БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

3 ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

4 ДУНЁ ТАН БЕРГАН СУЛОЛА



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 январь, чоршанба. № 10 (1227)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония Бош вазирининг махсус вакили Йоширо Мори бошчилигидаги делегация вакиллари 15 январь куни япон харбий асирлари хотирасига пойтахтимизнинг Яккасарой туманида бунёд этилган ёдгорликини зиёрат қилди. Шунингдек, меҳмонлар Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида бўлди. Маълумки, ушбу театр қурилишида Япония фуқаролари ҳам иштирок этган.

Шу куни Й.Мори бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкентнинг бошқа диққатга сазовор жойларини, ўзаро ҳамкорликда қурилган ва ташкил этилган айрим иншоот ва муассасаларни ҳам бориб кўрди. Темурийлар тарихи Давлат музейи, Олой бозори, Ўзбекистон-Япония маркази ҳамда Япон боғи меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

(ЎЗА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 январь куни Оқсаройда Япония Бош вазирининг махсус вакили, ушбу мамлакат ҳукуматининг собиқ раҳбари Йоширо Морини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари икки томонлама муносабатлар ва халқаро майдондаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти туғилганидан мамнуният билганди. Сизни Япониянинг Ўзбекистон билан ҳам-

корлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори бўлган нуфузли сиёсий арбоби, деб биламиз. Сиз ҳукуматни бошқарган кезлари Токиода Ўзбекистоннинг кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Унга ташриф буюрганнингиз бизни беҳад мамнун этган-

ди. Биз сизнинг Ўзбекистонга самимий муносабатингиз, қизиқшингиз ҳамда юқори эканлигини яхши биламиз, - деди Ислам Каримов. Учрашувда Й.Мори Президентимизга Япония Бош вазирининг мактубини топширди. Унда Япония ҳукуматининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга тайёрлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Япониянинг иқтисодий ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Кунчиқар мамлакатининг иқтисодий ёрдамига киритилган сармояси ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистонда Япония сармояси билан ишлаётган корхоналар сони ўнга, ушбу мамлакатдаги етакчи фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сони эса ўн етитага етди. Шунингдек,

мамлакатимизда Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Президентнинг Й.Мори билан учрашувида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли ватандошлар! Қадри дўстлар! Сизларни ва бутун кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғли мустаҳкам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилиши барчамизга яхши маълум.

Шу муносабат билан мен сизларга мурожаат қилиб, алоҳида гуруҳ ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу - жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Бугунги кунда дийримизда яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт бўлаётган ишга муносиб ҳисса қўлаётган ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон замининда турли маданият ва цивилизациялар вакиллари билан ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келган халқимиз табиатида хос бўлган меҳр-оқибатлик, тинчликсеварлик, очкичлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайди.

Ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг демократик жамият қуриш йўлидаги интилишларимизда бундай бебаҳо фазилатлар, айниқса, бағрикенглик нечоғли муҳим ўрин тутишини изохлаб ўтиришга ҳоҷат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун онгу тафаккуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйғуси бизга бекиёс куч-қувват бахш этмоқда, узокни кўра билишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашмоқда. Бу туйғу, аждодларимиз-

нинг ҳаётида бўлгани каби, даврнинг машаққатли синовларини биргаликда енгиб ўтишда, турли хавф-хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда ҳозирги авлодлар учун ҳам руҳий мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлақати, ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз. Шундай экан, биз бу саховатли юрт бойликларини сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, энг муҳими, ўзаро тотувликни, ягона мусоффо осмон остида яшайдиган барча миллат ва элатлар асрлар давомида эъозлаб келаётган, барчамизнинг руҳан бойишимизга хизмат қиладиган маънавий ва ахлоқий қадриятларни доимо ёдда тутиш, кўз қорачиғидек асраш лозимлигини асло унутмаслигимиз даркор.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қиладиган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим рол ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган бўламиз.

Мен сизларнинг турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустаҳкамлаш, одамлар ҳаётини янада бой ва замунли қилиш борасида олиб бораётган хайрли фаолиятинингизни бундан буён ҳам собитқадамлик билан давом эттиришингизга қатъий ишонаман.

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона Ватан туйғуси келажак авлодларимиз учун ҳам асрлар оша энг олий ҳақиқат бўлиб қолсин.

Барчангизга халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қадрдонларим, сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ёр бўлишини, янги йилда барча истақларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламан.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

АҚШ президенти Жорж Буш телефон орқали Покистон президенти Парвез Мушарраф билан суҳбатлашди. У Покистон маъмурларининг бешта экстремистик гуруҳларнинг фаолиятини таъқиқлаганини маълум қилди. Бунинг натижасида террорчи деб ҳисобланган ташкилотларнинг 1500 дан зиёд аъзолари ҳибсга олинган. Шунингдек, Ж.Буш Ҳиндистон бош вазир Атал Бихари Ваджай билан ҳам телефон орқали мулоқотда бўлди. Бўлиб ўтган фикр алмашувларда гап асосан Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ихтилофлар ҳақида борди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Олмония ва Жибути Олмония Федератив Республикаси харбийларини Африканинг маъмур мамлақати ҳудудига жойлаштириш тўғрисида битим имзоланди. Маълумки, АҚШ ва унинг халқаро терроризмга қарши курашдаги иттифоқчилари Адан кўрғазини ҳамда Сомалининг Кизил денгиз билан тўташган ҳудудларида ақсилтерорчилик ҳатти-харакатларини амалга оширишни режалаштиришмоқдалар. Олмония харбийлари ҳам ушбу операцияда қатнашиш ниятидалар.

ҲАМЖАМИЯТ ТУЗИЛСА...

Япония бош вазир Дзюньитиро Коидзуми Хитой, Жанубий Корея ҳамда Жанубий-шарқий Осиё уюшмасига аъзо давлатларни минтақада ягона ҳамжамият тузишга чақирди. Келажақда бу уюшмага Австралия ҳамда Янги Зеландияни ҳам қўшиш мумкин бўлади, деди у. Д.Коидзумининг айтишича, бўлажак минтақавий ҳамжамият барча соҳадаги ўзаро алоқаларни тезкор ривожлантиришга хизмат қилади. У АҚШ, Оврупо ва Жанубий Осиё давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилмоғи лозим.

КЎНГИЛЛИЛАР — АСКАРЛИККА

Яқинда Афғонистон муваққат ҳукуматининг раҳбари Хамид Карзай ойнаи жаҳон орқали халққа мурожаат қилганда, асосий эътиборни миллий армия тузиш масаласига қаратган эди. Шунга биноан Афғонистон ўтиш даври ҳукумати 200 минг кишилик қўшинга эга бўлган ягона миллий армия тузмоқчи. Мамлакат мудофаа вазирлиги вакиллари айтишича, армия асосан кўнгиллилардан таркиб топади.

ЙИЛНИНГ МАШҲУР ОДАМИ

Янги йилнинг дастлабки кунларида Молдованинг Кишинёв уездидаги Каприяни кишлоғида яшовчи Мария Унгурану номи бирдан машҳур бўлиб қолди. Болалар боғчасида тарбиячилик қиладиган Мариянинг ўтган йил декабр охирида 17-фарзандини туққанлиги маълум бўлди. Ҳозир маъмур оилада 10 ўғил, 7 нафар қиз балоғатга етмоқда. Унинг эри ўрмон ҳўжалигида ҳайдовчилик қилади. Энг катта ўғли эса 19 ёшда. Оилада ҳеч ким касал бўлмади. Лекин, шунча жонни боқиб анча мушкул бўлмоқда.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Нукусда референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзоларининг семинари бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд овоз бериш участкаларида олиб борилаётган ташкилий ишлар, референдумни ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказиш учун белгиланган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунни чуқур ва атрофлича ўрганиш, унга қатъий амал қилиш зарурлиги таъкидланди.

(ЎЗА).

АФҒОНИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

15 январь куни Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилди. Шу муносабат билан шаҳар марказидаги Тавосот кўчасида жойлашган консулхона биносига Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг маъмул ходимлари, шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва кўплаб хорижий журналистлар тўпланди. Илгари ҳам шу бинода Ўзбекистон бош консулхонаси жойлашган бўлиб, толиблар Мозори Шарифни ишғол қилганидан кейин ёпилган ва вайрон ҳолига келган эди. Бино қисқа вақт ичида аввалгидан ҳам кўркем бўлиб қайта қад ростлади.

Консулхона очилишига бағишланган тантанали маросимни Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг шимолий ҳудудлар бўйича вакили Саид Нурулло очиб, бу воқеа икки қўшни ва дўст давлатнинг ташқи фаолиятида муҳим аҳамият касб этшини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Мозори Шарифдаги консули этиб тайинланган Алишер Аҳмадзонов Афғонистонда толиблар ҳукмронлик қилган йиллар давомида давлатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар узилиб қолгани, бугун эса яхши кўшничилик ва дўстона алоқаларни тиклаш учун имкониятлар пайдо бўлганини таъкидлади. Консуллик мамлакатларимиз манфаатларига, узок йиллик уруш туғайли издан чиққан Афғонистон иқтисодини тиклашга, халқаро инсонпарварлик ёрдами сифатида келаётган юрларнинг Ўзбекистон ҳудуди орқали узлуқсиз ўтиб, туришини таъминлашга, савдо-сотиқ ва сайёҳликни ривожлантиришга ва бошқа кўпгина хайрли ишларни

амалга оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистондаги махсус вакили, Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев бу тадбир мамлакатларимиз учун тарихий воқеа бўлишини таъкидлади. Афғонистонда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилишида Президент Ислам Каримовнинг хизматлари катта эканини алоҳида қайд этди.

Давлатимиз мадҳияси янгради, Афғонистондаги бош консулхонамиз узра мамлакатимиз байроғи кўтарилди.

Маросим сўнггида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎЗА махсус мухбири

...Қува туман давлат солиқ инспекциясига тушган маълумот тўғри қилди. Солиқчилар «Дехқонobod» жамоа ҳўжалигининг «Шўр» маҳалласида истиқомат қилувчи Каҳрамон Дадазонов хонадонинда бўлишганида, у 0,5 литрли виноларнинг ҳар шишасини 250 сўмдан пуллаётган эди. Яширин цехда 100 шиша вино ўз харидорини кўтиб турарди.

Солиқчилар цехни кўздан кечириб яна 500 дона оқ пластмасса қопқоқ, 200 та бўш шиша, 20 литрли икки-та пластмасса идиш тўла винони ва бошқа мосламаларни далилий ашё сифатида рўйхатга олдилар. Шу тариқа яна бир яширин цех фаолиятига чек қўйилди.

— Утган йил давомида ходимларимизнинг ҳўшёрлиги билан 40 та яширин ишлаб чиқариш цехи фож атилди, — дейди Фаргона вилояти давлат солиқ бошқармаси назорат тартибидаги текширишлари ташкил этиш гуруҳи бошлиғи Усмонали Нисонов. — Шундан 12 таси спиртли ичимликлар, 10 таси ўсимлик ёғи, 13 таси озиқ-овқат маҳсулотлари, 5 таси эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган эди. Фуқароларнинг ноқонуний ҳатти-харакатлари бўйича тўпланган материалларнинг 16 таси прокуратура, 24 таси суд идораларига юборилди. Шу

1413 шиша спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиниб, ўзларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Спиртли ичимликларни даромад манбаига айлантириб олганлар факатгина улар эмасди. Марғилон шаҳар «Қирққовуз» кўчасида истиқомат қилувчи Анваржон Мамаатхонов ҳам уйда спиртли ичимликлар тайёрлаб сотаёт-

кўйган учар тадбиркорларнинг яна бири Ўзбекистон туманидаги «Охта» кишлоғида яшар экан. Анваржон Аҳмедов ўша кунги аллақадан 140 литр спиртни олиб келиб, эндигина цех ичига жойлаётган пайтида солиқчилар назорат тартибидаги текширувни эълон қилишди. Цехдаги спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришда қўл келадиган мосламалар, турли хил

қўлбола цехидан 292 килограмм рангли металл, бир дона двигател, 2 дона тасма, бир дона майдалагич топилди. Ундан 120,3 минг сўм даромад солиғи ундириб олинди.

Фаргона вилояти давлат солиқ бошқармасининг назорат тартибидаги текширишларни ташкил этиш гуруҳи ва унинг жойлардаги ходимлари томонидан ўтган йил давомида турли хил йўналишлар бўйича 2625 та текшириш ўтказилди. Шу жараёнда салкам 339,7 миллион сўм нақд пул маблағлари ўз вақтида банк муассасаларига топширилмай ноқонуний йўللارга сарфланганлиги, акциз маркази 34204 қўти тамаки маҳсулотлари, 8675 шиша спиртли ичимликлар сотувга чиқарилганлиги, 761 литр спирт маҳсулотидан қўлбола ароқ-винолар тайёрлаб сотилаётганлиги фож этилиб, қўнғузларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Текшириш ҳўжатлари асосида 60 та жиноят иши кўзғатилди, 67 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди. 1331 нафар ҳўқуқбузарга нисбатан 12,3 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Вилоят солиқчилари ҳар бир соҳа устидан пухта на-

зорат ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўналишда Президент Фармонлари, ҳўкумат қарорлари улар учун дастуриламал бўлмоқда. Яқинда солиқчилар Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги «Ҳасрат қонун тартибидаги текширишларнинг натижасини таъминлаш юзасидан туман ва шаҳарлар бўйлаб 86 та назоратли текшириш ўтказганлигида 35 та ҳўқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Жойларда 1165 та аудио ва видео кассеталар ноқонуний сотилаётганлиги маълум бўлди.

Текширув якуни суд идораларида кўриб чиқилиб, 785 та аудио ва видео кассета давлат фойдасига мусодара қилинди. Уларнинг эгаларига нисбатан эса маъмурий жарималар қўлла-қўйилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар вилоятда солиқ қонунчилигини мустаҳкамлашга ва солиқ маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
матбуот хизмати бош
мухассиси.

ТЕЗКОР ТЕКШИРУВЛАР

давомида яширин цехлар фаолиятига чек қўйилди

251,6 минг сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Халол тадбиркорлик учун кейн йўллар очилган пайтда айрим кишиларнинг тўғри йўл қилиб эгри йўлга ўзини уриши кишини афсуслантиради. Яқинда Бағдод тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳеч қандай ҳўжжасиз ва рухсатсиз спиртли ичимликлар савдосини авжига чиқараётган фуқаролар Манзура Мадрохимова ва Махмуд Тошматов фаолиятига чек қўйилди. Улардан

ган пайтида қўлга тушди. Солиқчилар ўтказган текширув пайтида унинг яширин цехидан 650 шиша ароқ, 460 шиша вино чикди. «Нексия» машинасининг юкхонасига эса 20 литрли тўртта пластмасса идишдаги спирт, 290,9 минг сўм нақд пул яширилган экан. Шундан кейин солиқчиларга дағдаға қилаётган устомон А.Мамаатхонов суғва тушган мушукдек бўлиб қолди.

Яширин ароқ цехини соғин сизгирга айлантириб

акциз марказлар, қопқоқлар, ёрликлар, сотувга тахт қилиб қўйилган 38 шиша ароқ рўйхатга киритилиб, ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди. Шу тумандаги «Ҳанидашт» кишлоғида фуқаро Абдумулат Тўйиевнинг қилишлари ҳам ҳеч қандай қонунчиликда тўғри келмайди. У рангли металлларни ўғринча йўллар билан йиғиб, қайта ишлаб аккумуляторлар учун сим тўр насага киришиб кетган эди. Ўша кунги унинг

Анъаналарга садоқат

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида изчил иш олиб борилаётганлиги тармоқ ходимларининг масъулиятини янада оширмоқда.

МАЪНАВИЯТ - БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Дорилфунунимизда 13 та факультет, 48 та кафедра бўлиб, 30 дан ортиқ фан доктори ва профессорлар, 180 нафардан зиёд фан номзоди ишлаб турибди. Ишчи-ходимлар касабасига уюшмасига 910 нафар талабалар касабасига уюшмасига 5100 нафар аъзо бирлашган. Кўмиталарнинг асосий эътибори муаллимлар, талаба-ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маданий дам олишларини намунали ташкил этишга қаратилди.

Олий тоифали шифокор Карим Бердиев раҳбарлик қилаётган 50 ўринли профилакторий улар хизматида. Бундан ташқари, ёш томошабинлар театри, маънавий хоналари, замон талабалари асосида қурилган 2 та ўйингоҳ, теннис корти, қўшабоқ спорт зали, 7 та волейбол, 3 та баскетбол майдончалари, қўл тўпи, кураш, бокс заллари, талабалар ўйи, кутубхона, кироатхона, 5 та ошхона ва чойхона, кўплаб савдо ҳамда маънавий хизмат тармоқлари ишлаб турибди.

Меҳнат ноғирони 2 миллион сўмлик моддий кўмакдан баҳраманд бўлди.

Ректорат ва касабасига уюшма кўмитаси маб-

лағлари ҳисобидан чегара ҳудудларидаги Сароисиё ва Узун туманларида яшаётган кам таъминланган 18 та оилага ун, шакар, ўсимлик ёғи тарқатилди ва шу ерда яшаётган талабаларга 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоада узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан профессор-ўқитувчилар ва ишчи-хизматчиларнинг аҳволидан вақти-вақти билан хабар олиб турилибди.

Маънавият ҳар бир инсоннинг дил мулкига бўлиб қолмай, юксак тараққиётнинг, буюк келажакнинг ҳам пойдевориридир. Университетдаги маънавият ва маърифат хоналари намунали қилиб жиҳозланган ва керакли адабиётлар билан таъминланган. «Ватанини севмоқ иймандир», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Маънавият — ҳаёт кўзгуси» каби мавзулардаги давра суҳбатлари талабаларда катта таассурот қолдирди.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Олмония, Франция, Россия каби давлатлардан келган илм-фан арбоблари талабалар ҳузуринда маърузалар ўқидилар. Ўз навбатида олий даргоҳнинг етакчи олимлари Ш.Жўраев Франция, Э.Тўраев Санкт-Петербург, О.Раҳмонқулов Исроил, Э.Эрниёзов, Н.Алимқуловлар Англияда малака ошириб қайтидилар.

Университетимиз касабасига уюшма кўмиталарининг маъмурият билан ҳамкорликда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб бораётган ишлари ёшларнинг маънавиёт, жисмонан бақувват кишилар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этипти.

Поён БАКИРОВ, Термиз Давлат университети касабасига уюшма кўмитаси раиси.



Республикамиз меҳнатқашлари янги йилнинг биринчи кунлариданоқ зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу эришилаётган натижалар, янги-янги ташаббусларда ўз ифодасини топаёпти.



Шаҳар Ҳамза туманида қад ростлаган турар-жой биноси.

Ф.ҲИДИРОВ олган суратлар.

Кўни-кеча Ўзбекистон касабасига уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув марказида республика агросаноат мажмуи ходимлари касабасига уюшма Марказий кўмитаси тизимидаги бир гуруҳ раҳбар ходимларнинг ўқуви ниҳоясига етди.

Бир ҳафталик семинар давомида «Бирлашган касабасига уюшмаларининг III Курултойи ҳужжатлари асосида агросаноат мажмуи ходимлари касабасига уюшмалари олдидан турган вазифалар», «Миллий мафкура, маънавиятнинг шакллантириш йўлида касабасига уюшмаларининг ўрни», «Фуқаролардан келган хат ва аризалар ҳамда ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш», «Касабасига уюшмалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари» каби мавзуларда қизиқарли лекция ҳамда суҳбатлар ўтказилди.

Касабасига уюшмаларининг халқаро фаолияти, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари мавзусидаги давра суҳбатлари кўпчилиқда яхши таассурот қолдирди.

Ўқув давомида тингловчилар пойтахтимиздаги бир неча бошланғич касабасига уюшма ташкилотларининг илғор иш тажрибалари билан ҳам танишдилар. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Матлуба ҲАЛИЛОВА, Балиқчи туман агросаноат мажмуи ходимлари касабасига уюшма кўмитаси раиси

Бозор иқтисодиёти шароитида касабасига уюшма ташкилотларининг иш услубида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда фаоллар билан фикр алмашиш, илғор иш услубларидан бохабар бўлиш муҳим аҳамият касб этапти.

Поён БАКИРОВ, Термиз Давлат университети касабасига уюшма кўмитаси раиси.

Кадрлар ўқуви

уларни назорат қилиш, касабасига уюшмалари маблаглари, уларни моддалар бўйича тақсимлаш, ойлик маошларни белгилаш

каби мавзулардаги суҳбатлар иш фаолиятимда жуда асқотади, деб ўйлайман. Шундай ўқувлар тез-тез ўтказиб турилса айни муддао бўларди.

Эсонкелди ТўРАҚУЛОВ, Сирдарё туман агросаноат мажмуи ходимлари касабасига уюшма кўмитаси раиси

Республикамизда мулк давлат тасарруфидан чиқарилаётган шароитда қандай йўл тутушимиз керак? Мана шу ҳақдаги маъруза менга жуда маъқул бўлди. Чунки бу борадаги мавжуд муаммолар кейинги вақтда кўпчилиқни ўйлантириб келарди. Бу ерда олган билимларимизни амалиётга тўлақонли жорий этсак, ишонманки, ютуқларимиз янада кўпаяди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» муҳбири.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ИЛҒОР ТАЖРИБА - АМАЛИЁТГА



Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Қорасув даҳасида жойлашган мўъжазгина бино ҳамшаҳарларимизга яхши таниш. Пештоқига 9-сонли стоматология шифохонаси деб ёзилган ушбу масканда шахримиз ҳамда Тошкент вилояти аҳолисига намунали хизмат кўрсатилмоқда.

ХИЗМАТЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

Шифохонамиз Германия, Болгария мамлакатларидан келтирилган тиббий ускуналар билан тўла жиҳозланган, - дейди бош ҳақим, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Масловдин Садриддинов. - Кейинги пайтда беморларнинг милқларини даволашда рентген ҳамда лазер нуридан фойдаланилмоқда. Мастура Аҳмедова, Зулфия Ортиқбоева, Хабиба Қурбонова, Лариса Вишневская каби қўли энгил шифокорларнинг хизматларидан миждозлар мамнун бўлишмоқда.

Яна бир янгилик шуки, шифохонада уруш қатнашчилари ҳамда ноғиронларга бепул тиш қўйилмоқда. Малакали муолажа, ҳамда энг арзон нархда хизмат кўрсатилётгани боис нафақат пойтахт, балки узоқ туманлардан ҳам миждозлар келишмоқда.

Р.НЕЪМАТОВ.

НУРОНИЙЛАРГА ЧОЙХОНА

Бобо ва бувиларнинг раҳматини эшитган, дуосини олган киши кам бўлмайди, - деди «Нуроний» жамғармаси Бувайда туман бўлим раиси Абдуғаффор Абдуҷалилов «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Бунинг учун эса яратувчанлик ишлари билан шуғулланиш, ҳалол ва покиза юмушларга қўл уриш керак.

А.Абдуҷалиловнинг айтишича, туманда 10 минг 205 нафар қария истиқомат қилади. Икки аср юзини кўрган пири-бадавлат кишилар эса 16 нафар бўлиб, Октепа қишлоғидаги Сурхон момо Олимова, Жай қишлоқлик Оминахон момо Маҳмудова,

Шўр қишлоқлик Турсуноӣ момо Нажимовалар 110 ёшдан ошди.

Бу йил қўқламда тумандаги ҳар бир киши нуронийларга атаб 10 тупдан мевали ва манзарали дарахт экишади, - деди сўзини давом эттириб А.Абдуҷалилов. - Бу ҳақда матбуот орқали эълон қилдик. Шунингдек, Наврўз байрами кўни тадбиркор ака-ука Аминжон ва Абдураззоқ Раҳимовлар томонидан бунёд этилаётган замонавий «Нуроний» чойхонаси фойдаланишга топширилди. Қарияларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш ҳамisha диққат-этиборимизда бўлади.

МАКТАБ ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ

Наманган шаҳридаги 62-ўрта мактабда техника воситасида дарс ўтиш кўнгилдагидек ташкил этилган. Кинопроектор, диопроектор, магнитофон ва бошқа техник воситалар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

XXI аср тараққиётини компьютерлар тасаввур этиб бўлмайди, - деди ўқитувчи Бахтиёр

Интернет алоқатармоғига уланган барча мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юрталари билан боғланиб, ўзаро ахборот алмашиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари чет мамлакатлар билан ҳам алоқа ўрнатиб, марказий кутубхоналар ва ўқув даргоҳларидан зарур маълумотларни олиш мумкин.

Гулистон туманидаги «Самарқанд» фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлаши биланоқ сунъий тўсиққа дуч келди. Узоқ муддатга ижарага олинган 25 гектар ер майдони ҳеч қанча вақт ўтмай тортиб олинди.

ФЕРМЕР ФАОЛИЯТИ НЕГА ТўХТАТИЛАДИ?

...1998 йилда Азизхон Носиров номли ширкат хўжалиги Гулистон туманидаги Норқўзи Милтиқбоев раис бўлиб тайинланди. У ўзининг илк фаолиятини Алининг дўпписини Валига кийдиришдан бошлади. Даставвал мустақил «Самарқанд» фермер хўжалиги майдонларига кўз олайтириш бошлади. Мўл ҳосил етиштириб, мўмай даромад олаётган кишилар фикри билан ҳисоблашни ўзи эсга кўрмади. Режа асосида қишлоқ хўжалик экинни экилиши мўлжалланган майдоннинг 10 гектарини бошқа шахсга шולי етиштириш учун бериб юборди. 15 гектарни эса хўжалик ҳисобига олди. Унинг ноқонуний саъй-ҳаракати қарши

чиққанларга раис катта кўчани кўрсатиб қўярди. Аммо унинг зўравонлигига нихоят чек қўйилди...

Мулкдорлар энди эркин нафас оламан, дея суюнишганди. Бироқ, бундай бўлиб чиқмади: Янги раис Қўлдош Элтоев ҳам «мен раҳбаримиз, меники тўғри» қабилида иш юритди. «Сирожиддин ота» фермер хўжалиги тасарруфидоги ер майдонини ўғли Аброр Элтоевга оила пудрати асосида бериб, «Самарқанд» фермер хўжалигининг 10 гектарли экин майдони «Сирожиддин ота»ни эга қилди. Устамонлиқни қарангки, у айни вақтда «Самарқанд» фермер хўжалиги олиб бораётган ишлар давр талабига жавоб бермаслиги ва ҳисоб-китоб ишларида катта кам-

«Ишонч» фош этади

чиликлар борлигини ёзма равишда туман аттестация комиссиясига

раис Қ.Элтоев мулкдорларга ўзларининг қонунини эрини беришдан бош тортиди. Унинг ўрнига раислик курсисига ўтирган Султон Йўлчиев ҳам ҳоким қарорини бажармай, ерни ҳануз ширкат хўжалиги ихтиёрида сақлаб келаяпти.

Мана, уч йилдан ошибдики, тадбиркорлар сарсон саргардон, ҳокимликка қатнашдан роса чарчади. - Раислар сунъий тўсиқ қўйиб, бизни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қийнаб қўйишди, - дейди Н.Усмонов. - Ерга эгаллик қилиб, мўл, сара маҳсулот етиштириш ҳақидаги орзуларимиз ушалмапти.

Наҳотки, Гулистон туман ҳокимлиги воқеаларни томошабин сифатида кузатиб турган бўлса. Истеъмоал бозорини тўқин-сочин қилишдек савобли ишга муносиб ҳисса қўйишга бел боғлаган, удда-бурсон кишилар йўлига тўсиқ қўйиш кимга фойда-ю, кимга зиён?

Мардали МАХМУДОВ, Сирдарё вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси.

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ



«ТУРОН». Кўп тармоқли санаторий. Юрак-қон-томир, асаб тизими, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш аъзолари, гинекологик, қандли диабет касалликлари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб тизими касалликларини даволашга мўлжалланган. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.


«ЧИМЁН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва урология касалликлари учун гоётда фойдали. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида), овқат ҳазм қилиш, асаб ва таянч-ҳаракат тизими учун гоётда фойдали.

«ЧОРТОҚ». Таянч-ҳаракат тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, тери ва гинекологик касалликлари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан келиб, кўнгилли дам олиши учун шароит яратилган.

«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликларга чалинганларга тавсия этилади.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликларига мўлжалланган.



«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган кишилар даволанади.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб тизими ва сурункали тери касалликлари даволанади.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш аъзолари, суяк-мушак, асаб тизими учун гоёт фойдали.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» номли санаторий. Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари муолажа қилинади.

«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб тизими ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан келиши мумкин.

«ОҚТОШ». Нафас олиш аъзоларининг сил дардига алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлари жуда яхши даволанади.



«МИРОҚИ». Асаб тизими ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига жуда нафи тегади.



Ғиждувон кулолчилари тарихидан

Ғиждувон шахрининг кўркэм кўлалидан бирида ажойиб манзилгоҳ бор. Бу ўтмиш этнографияси ҳамда ҳозирги замон ҳунармандчилигининг нодир намуналарини уйғунлаштирган Ибодулла Нарзуллаев номидаги миллий кулолчилик музейидир.

ДУНЁ ТАН БЕРГАН СУЛОЛА

Санъат даражасига кўтарилган кулолчилик авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. XVIII ва XX асрларда яшаб ўтган Абдул Азиз, Абдурахмон, Абдуҳаммад, Азмидин, Азим кулол, Абду Қосим, Саъдулло, Жаббор кўзагар, Боқижон чиннисоз, Муҳаммад сополсоз, Муҳаммаддон қосагар каби ҳунармандлар кулолчилик мактабини яратган устازلари.

Кулолчилик материаллари тайёрлаш соҳасининг етакчи мутахассиси Муҳаммад Содиқов, унинг шогирдлари мулла Тош Абдуллаев, Шукр Халилов, Ҳикмат Отаев каби элани ҳамон фахр билан эслайдилар. Уста Ҳожи Шарифжон, Шамсибиби каби ҳунармандлар лойда ажойиб болалар ўйинчоқлари ясаганлар.

Ғиждувон кулолчилик мактабида уста Усмон Умаров, унинг фарзанд шогирди Ибодулла Нарзуллаевлар алоҳида ўрин тутди. 300 йиллик тарихга эга бўлган сулола фарзандлари оқ, қизил, сариқ, қулранг, жигаранг, осмоний, кўнғир рангларда жило берган сопол буюмлари бундан икки аср муқаддам Америка, Англия, Франция, Япония бадий музейларидан ўрин олган эди.

Аллаҳон хоржиликлар хайратига сабаб бўлган пишқ гишдан қурилган икки қаватли уй-музейнинг ҳоналарида кулолчилик тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар жойлашган. Бу ерда миллий каштачилигимиз намуналаридан бетакрор нусхаларни ҳам учратиш мумкин. Музей тўрида одамга донг таратган ҳунарманд Ибодулла Нарзуллаевнинг катта сура-

рига қимматли фикрларини ёзиб қолдирганлар. Улар орасида Америка собиқ президенти Клинтон, Буюк Британия шахзодаси Чарлз, ЮНЕСКО бош котиби Федерико Майорлар бор.

Айни пайтда АҚШ, Япония, Австралия ва бошқа мамлакатлардан мутахассислар келиб ҳунар ағалашмоқда. Бундан икки йил муқаддам америкалик Боб кулолчилик касби сирларини ўрганди.

Нарзуллаевлар тайёрлаган сўтдан мой олинандиган қуви, қатиқ ивителидиган кўзача, гултувак, дош чирок, чархпалак учун сопол кўзалар, ҳар хил кўгирчоқлар, ранго-ранг сирланган қоса, товоқ, пиёла ва бошқа уй-рўзгор буюмлари каби маҳсулотлар ўн йил мобайнида 50га яқин халқаро ва республика кўргазмаларига кўрк бағишланди.

Устахонада маҳсулотлар асосан кўлда тайёрланади. Тупроқ Қизилтепа, Нурота ва хориж мамлакатларидан олиб келинади. Бўёқларни ҳар хил гул ва кўкатлардан ҳунармандларнинг ўзлари тайёрлайдилар.

Абдулла кулол шогирдлари Миржон Тоғаев, Илҳом Умаров, Ҳасан Шарифов, Ғиёс Қосимовлар билан ҳамкорликда тиним билмайди. Ҳатто сулоланинг кенжа вақили 13 ёшли Акмалжон ҳам божирим пиёла ва ликопчалар тайёрлашни ўрганиб олган. 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказган пиру бадавлат онахон Муштабшира опа Баракаева эса қизлари, келинлари ва неваралари билан миллий каштачилик санъатини тикламоқда. Қўли гул чеварлар тиккан сўзана ва палаклар хоржиликларга манзур бўлаётти.

Кулоллар сулоласи яшашапти, меҳнат ва ижод қилаётти.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ҚИШЛОҚДА — ТИББИЁТ МАСКАНИ

Янги йилда нишонликлар қурувчилардан ажойиб соғва олдилар. «Пахтабод» ширкат хўжалигининг Пахтабод қишлоғида шифо пункти қурилиб, ишга тушилди. Барча қулайликларга эга бўлган тиббиёт муассасаси бир кунда 50 нафар беморга хизмат кўрсатади. Ушбу шифо маскани қурилиши учун 32 миллион сўм сарфланди. 9 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.



қишлоқ даволаш пунктлари ишга туширилади, — деди туман тиббиёт бirlашмаси бош ҳақими Сардор Эрнаев. «Дўстлик», «Самарқанд», Ҳамза номли хўжалик меҳнаткашлари ҳам янги тиббиёт масканига эга бўладилар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири. Суратда: «Пахтабод» қишлоқ даволаш пункти ҳамшираси Марҳаб Худобоева муолажа пайтида.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг инглиз тили кафедраси шутда талабаларни халқаро иқтисодий алоқаларга доир билимлар билан қуроллантириш борасида бий тажриба орттирган. Ҳозир кафедрада Америка ва Италиядан келган мутахассислар ҳам ўқув машғулотларини олиб боришмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Кафедранинг халқаро алоқалари анча кенгайди. Американин Узебекистондаги элчихонаси ҳузуридаги ахборот Агентлиги билан ҳамкорлик эса айниқса самарали бўлмоқда. Бу яқин муносабат туфайли олий ўқув юртида инглиз тилини ўқитиш услубиетини такомиллаштириш бўйича доимий семинар ўтказиш ҳам йўлга қўйилди. Айни вақтда халқаро илмий-амалий конференциялар ҳам уюштирилмоқда.

Навбатдаги бундай анжуманга ҳам катта тайёргарлик қилинди. Унинг ишида Марказий Осиё давлатлари, Венгрия, Буюк Британия мамлакатларидан тажрибали тилшунос олимлар ҳам қатнашди. Мазкур конференция материаллари алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди.

А. АЛИЕВ.

Футбол

«НЕФТЧИ» ВА «ПАХТАКОР»НИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси 2001 йил бўйича жамоалар рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Англиянинг «Ливерпуль» клуби рўйхатда биринчи ўринни банд этган. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Испаниянинг «Барселона» ва Германиянинг «Бавария» жамоаси эгаллаб турибди.

Кувонарлиси шундаки, халқаро федерация томонидан Ўзбекистоннинг икки жамоаси ҳам кучлилар сирасида қайд этилган. Беш қарра мамлакат чемпиони - Фарғонанин «Нефтчи» клуби дунё бўйича 158-ўринга, пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси эса 194-ўринга қўйилган.

Ушбу федерация футбол клубларининг миллий ва халқаро мусобақалардаги иштироки ва турирлар нуфузини инobatга олган ҳолда рейтинг рўйхатини ҳар ойда эълон қилиб боради.

Эслитиб ўтиш жоизки, яқинда федерация томонидан Ўзбекистон миллий биринчилигининг олий лигаси жаҳондаги энг кучли 50 лига орасида 41 ўринга лойиқ қўрилган эди.

(Ў.А.).

Меҳнат қилган элда азиз

ЎРОЛ ҚУРБОНОВ ШОГИРДЛАРИ

Шаҳрисабздаги 13-мактабнинг расм-чизмачилик фани ўқитувчиси Ўрол Қурбоновнинг шогирдлари Миср давлатига борармиш деган гапга кўпчилик қишлоқдошлари ишонмади.

Йўлланмани қаердан, қандай қилиб олишибди? Ҳайратланарлиси шуки, у қалам тутказган ўқувчининг бири Бангладешда, бири Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида ўтказилаётган халқаро болалар расм-чизмачилик танловига қатнашиб, чизган расмлар муносиб баҳоланди. Боз устига, унинг шогирдлари вилоятда эмас, республика кўриқларида фаол қатнашиб, республика олимпиадаларида етакчи ўринларни олса Ўролбўй қувонмай ким қувонсин. Шогирдларидан бир эмас, бир нечтаси ана шу ютуққа эришган. У бунга осонлиқча

эришгани йўқ. Ўқитишдаги бадий маҳорат, расм-чизмачиликдаги услубий ишларнинг моҳир ташкилотчиси сифатида у Ўзбекистон расмолар уюшмасининг фахрий ёрлигини олишга муяссар бўлди. Ў.Қурбонов бошқа ўқитувчилардан фарқли ўлароқ, ҳар бир дарсни, машғулоти ижодий изланувчанлик руҳида ташкил этишга интилади. Иқтидорли болалар билан алоҳида ва мунтазам ишлайди. Ўролжон тарбияланган болалар дунё болаларининг 2000 йил Бангладешда ўтган ёш расмоларнинг кўрик танловидан голиб бўлиб қайтишди.

Ў.Қурбоновнинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби бўлди.

«Туркистон-пресс»



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Биз кутган қор...

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

КЕЧАГИ ТАЛАБА — БУГУН ОЛИМА

Эсимда, 1992 йилнинг сентябри эди. Талабаларимни яхшироқ билиб олиш мақсадида биринчи мароубадаёқ хоҳловчиларга «эркин реферат мавзуси»ни тавсия этдим.

Шогирдларимдан бири — Нарғиза ҳам ўзи учун мавзу танлади. Орадан икки ёки уч ҳафта ўтгандан кейин «тайёр»лигини маълум қилди. Одатда бундай чиқишлар 5-10 дақиқани ташкил қиларди. Аммо бизнинг талабамиз бу чегарани «бузиб», қарийб 40 дақиқа маъруза қилди. У мавзунинг ўз сўзлари билан ифодалаб, шундай тушунтираддики, маъномазмунни ниҳоятда тўлиқ эди.

Эндигина 17 баҳорни қаршилаган қизнинг масъулиятни ўта ҳис қилиб тайёргарлик кўрганидан мутаассир бўлиб, курс номидан иқтидор соҳибасининг ота-онасига миннатдорлик номаси ёзиб юбордим.

Мана, йиллар йилларни қувиб, қанча ёзлар қиш билан алмашди. Худди ўйлаганимиздек, Нарғиза ҳамма фанларни алоға ўзлаштирди. Тинимсиз меҳнат қилди, ҳар сониядан унумли фойдаланди. Нарғизанин бир марта яхши жавоб бериб, «эртага мендан домла сўрамайди» деган хаёлда тайёргарлик кўрмаган ёки бўш тайёрланган кунини билмайман. У жамоатчилик ишларида ҳам фаол эди. Ҳатто олий даргоҳимиз номини бутун мамлакатимизга бир неча бор ёйиб, эътибор қозонганлигини ҳали-ҳануз миннатдор бўлиб ёдга олишади. 1995 йилнинг кўклами эди ўшанда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан талабалар ўртасида «Ватанни севмоқ иймондан-дир» мавзусида иншо танлови ўтказилди.

Шуниси қизиқки, ўша кезларда Нарғиза-хонлар курси «амалиётда» бўлиб, қайсидир юмуш билан деканатга келганда, иншо-танлов ҳақида эшитиб қолади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Тайёр бўлган иншони ўқиб чиқсам, «ялғ» этган «нарс» бор. Яна ишлашликни, тўлдиришликни маслаҳат бердим. Не бахтки, ўша иш голиб деб топилиб, талабалар иншолари тўплами китобидан чоп этилди. Бу муваффақият Нарғизахонга «қанот» бағишлади. Бундан ташқари, у жуда кўп анжуманларда қатнашиб голиб бўлди, илмий тўплам, китоб, журнал ва газеталарда кўплаб мақолалари эълон қилинди. Бугунги кунда иқтисод фанлари номзоди, олима.

Таъриф жоиз бўлса, гул очаётган гунчага боқаман-да, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» амалда ўз меваларини бера бошлаганини ич-ичдан ҳис қиламан. Ҳа, осонлиқча ҳеч нимани кўлга киритиб бўлмайди. Барча роҳатларнинг тағида ҳалол ва заҳматли меҳнат ётади.

Мусокул УСМОНОВ, профессор.

Табиат бутун борлиқни яшилликка бурқовчи ажойиб ўсимликлар — набобот олами билан гўзал ўзига ҳосдир. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда ер юзисида ўсимликларнинг 500 минг тури мавжуд. Шуниси қизиқки, уларнинг бири иккинчисига сира ўхшамайди, бири иккинчисини такрорламайди: биологик хусусиятлари, гул ва мевалари, шох-шаббалари, кимёвий таркиби, яшаш тарзи билан бири иккинчисидан фарқланади.

Масалан, баъзи бир ўсимликлар ёши минг йилларга тақалса, баъзилари атиги бир йилгина ҳаёт кечиради. Хусусан, халқимиз орасида тўқсон кунда товоқда бўлади, деб юртиладиган шоланин «яшаш тарзи»ни олиб кўринг. Кўп йиллик бута ёки-бута шаклидаги ўсимликлар эса олимларимизнинг куза-тишларича, 50-60 йил умр кечиради. Шунингдек, айрим дарахтлар бир неча юз йилдан то минг йилларгача, ҳатто ундан ортиқ ҳам яшаш аниқланган. Тропик ва субтропик иқлимли зоналарда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши учун қулай шароит мавжудлиги учун бир неча минг йиллар яшаган ва яшаётган кўп дарахтларнинг учратиш мумкин. Шу нарса маълумки, Африкада ўсувчи Баобаб дарахтининг 5150 йил яшаган тури мавжуд. Калифорнияда «урмон отаси» деб ном қарган Мамонт дарахти 5 минг йил, Мексикадаги ботқоқ кипориси 4 минг (баъзи ҳолларда 6 минг) йил яшаганли-

рахтлари кишиларни бир неча асрлардан бери ўзига жалб этиб келади. Чунки бу дарахтдан ҳозирда ҳам аждар қони деб аталувчи қизил смола олинади. Улар асосан тропик мамлакатларда, хусусан, Сокотра ва Канар оролларида ҳамда Сомали

Ўқинг, қизиқ!

ги 6 минг ёшли энг йиррик аждар дарахти Ла-Ортава шаҳрида бўлиб, унинг бўйи 21 метрга, айланаси эса 13,5 метрга етади. Ўсимликшунос олимлар — Линдли ва Мурнинг ёзи-машча, дарахтнинг ичи бўш бўлиб, ундан нарвон орқали тепа қисмигача

келаётган салобатли чинорлар кўп. Бойсун туманидаги Сайроб марказида икки улкан чинор салобат тўкиб турибди. Уларнинг бири тахминан 700-850 ёшга кирган, бўйи 26 метр. Чинор танасининг пастки қисмида каттагина ковак бўлиб, диаметри 3,5 метрни ташкил этади. Мазкур ковак сўнгги йилларгача кишилар хизматида бўлиб келган. 1920 йилларда бу ерда қишлоқ идораси жойлашган экан. Шу билан бирга, асли ватани Шимолий Хитой бўлган саур дарахти мамлакатимизга бундан бир неча юз йиллар илгари келтирилган. Нурота тоғлари атрофида жойлашган Устуре қишлоғида саурнинг бир неча йиррик тури бўлиб, улардан энг каттасининг тана айланаси 8 метр, диаметри эса 2,5 метрга тенг. Ёши эса тахминан 1000 йилга тенг бўлса керак, деган фикрлар бор. Республика-мизда жуда кўп экиладиган оқ терракнинг 600 йил, ёнғоқнинг 400, нокнинг 300 йил яшаш аниқланган.

Марҳамат МАТВАФОВЕВА, ЎзФА Ботаника илмий ишлаб чиқариш маркази илмий ходими.

ҒАРОЙИБ ЎСИМЛИКЛАР

киради. Афсоналарга кўра, бир вақтлар аждарлар билан филлар ўртасида шиддатли жанг бўлган, икки томондан ҳам кўплаб қурбанлар берилган экан. Ана шундай жанглардан бирида аждар филнинг қулоғидан тишлаб олиб, танасидаги барча қонини сўриб олибди. Ҳолдан тоғдан фил эса жон бериш олдидан бор гавдаси билан аждар устига кулабди. «Шу-шу фил ва аждар қони аралашиб кетган», деб ишонувчилар ҳам бор. Таъкидлаш керакки, афсонадаги аждар ва фил қони дракана дарахтининг айрим турлари танасидаги қизил рангли смолага нисбатан айтилган. Дарҳақиқат, афсоналарнинг тўқилишига сабаби бўлган аждар да-

ва Эфиопияда ўсади. Сокотра оролида ўсади-ган дракани қузатган табиат шинавандларидан бири Д.Боттинг 1958 йили ёзган асаридан бундай дейди: «Бу дарахт шу қадар жозибалики, уни шу орадаги бирор-бир бошқа ўсимликка таққослаб бўлмайди». Дарвоқе, дарахтнинг бутун умри унча даврга бўлинади. Ёшлик даври 25-30 йилни ўз ичига олади. Бу даврга ўсимлик асосан ўсади. Юз йилгача давом этадиган иккинчи даврга у кўпаяди, тўкилиб кетган барглари-нинг ўрни йўқолади, тана энига ўсиб шохлар чиқаради. Сўнгги даврда ўсимликда ҳаво илди-зилар пайдо бўлади, смола — «аждар қони» ажралиб чиқа бошла-йди. Канар оролларида-

кўтарилиш мумкин. Бу дарахт бундан 100 йил муқаддам, яъни 1868 йили кучли бўрон таъсиридан ағдарилиб тушган. Айни вақтда Канар оролларида (Икода ва Ла-Лагунеда) аждар дарахтининг 2 минг ёшга кирганлари мавжуд. Шу ўринда Ўзбекистонда ҳам умрбоқий дарахтлар борми, деган табиий савол туғилади. Ўзбекистонда, хусусан, Марказий Осиёда ҳам узок умр кўрувчи дарахтлар бор. Масалан, чинор, Буюк бобомиз Амир Те-мур Самарқандда ўн тўртта боғ барпо қил-дирган, улардан битта-сига асосан чинор эк-дирган, у «Боги Чинор» деб аталган. Республика-мизда асрлар оша кўпгина тарихий воқеа-ларнинг гувоҳи бўлиб



Олис-олислардан бир наво келур

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

«Ўзбекино» Давлат акционерлик компания-сининг Киночилар уйи-да «Ўзбекфильм» кино-студиясида суратга олинган «Дилхирож» бадий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Таниқли ёзувчи Эр-кин Аъзамов ва режис-сёр Юсуф Розиков ҳам-муаллифликда ёзил-ган сценарий асосида суратга олинган мазкур фильмда халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари юртимиз табиатининг бетакрор манзараларига уйғун равишда акс эттирил-ган.

(Ў.А.).

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.